

---

## Адлия вакиллари томонидан аҳоли муаммолари ижобий ҳал этилмоқда

Данғара туманининг “Истиқлол” МФЙсида истиқомат қилувчи 2-гурӯҳ ногиронлиги бор фуқаро Эсонали Тоҳиров велосипед устаси. У шу ҳудуддаги аҳоли ва қишлоқдошлари орасида икки филдиракли темир уловларни яхши ва қулай нархларда таъмирловчи уста сифатида танилган. Адлия вакилларининг уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш жараёнида Эсонали хонадонига ташриф буюрган адлия органлари вакиллари велосипедларни таъмирлаш асбоб-ускуналар жамланмаси кераклиги бўйича қилган мурожаати ижобий ҳал этилди. Эсонали Тоҳировга адлия органлари вакиллари томонидан ҳомийлик маблағларини жалб этган ҳолда, таъмирлаш асбоб-ускуналар махсус жамланмаси топширилди.

---

2024-06-26 19:31:32